

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**№6- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

25 декабрь 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

**Кун тартиби:**

1. Болалар стоматологияси факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тадбирлари

**Маърузачи:** Болалар стоматологияси факультети декани Хайдаров Н.К.

2. Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази қошидаги илмий-амалий лабораторияларнинг фаолияти, такомиллаштириш йўллари

**Маърузачи:** Илмий-амалий марказ директори в.в.б.Маматова Н.

3. Мураббийлар кенгашининг фаолияти тўғрисида ҳисобот

**Ахборотчи:** Мураббийлар кенгашининг раиси Сирожиддинова З.М.

4. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

5. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

6. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: Болалар стоматологияси факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тадбирлари.  
**Маърузачи:** Болалар стоматологияси факультети декани Хайдаров Н.К.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1 . Кафедраларда мавзулар кетма кетлиги асосида амалий кўникмаларни бажариш учун имкониятлар яратилсин, моддий техник базаси такомиллаштирилсин (электрон доска, презентатор, лаборатория ишлари учун махсус столлар).

**Масъул – Барча кафедра мудирлари, ишлар бошқармаси бошлиғи**  
**Муддат – уч ой**

2. Тарқатма материаллар презентация, видеофильм, мутьтимедияларни замонавийлари билан бойитилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**  
**Муддат – Бир ой**

3. Дарс жараёнларида: маърузаларни амалий машғулотлар мавзулари билан мутаносиб олиб борилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**  
**Муддат – Доимо**

4. Амалий машғулотларни ўқув услубий материаллар билан бойитилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**  
**Муддат – Бир ой**

5. Талабалар фан ўқув услубий мажмуасида талабаларни мустақил равишда ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланишларига урғу берилсин.

**Масъул – Барча факультет деканлари**  
**Муддат – Бир ой**

6. Кафедраларга инфокиоск ажратилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош ҳисобчи**  
**Муддат – икки ой**

7. Фан таълим ишлаб чиқариш интергацияси жадаллаштирилсин  
**Масъул – ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор**  
**Муддат – доимий**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази қошидаги илмий-амалий лабораторияларнинг фаолияти, такомиллаштириш йўллари. Маърузачи: Илмий-амалий марказ директори в.в.б.Маматова Н.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Марказ лабораторияси кўрсатадиган хизматларни интернет тармоқларида шунингдек институт сайтида ва бошқа интернет платформаларида кенг ёритилсин (текшириладиган таҳлиллар, илмий тадқиқотлар, изланишлар ва б.).

**Масъул – “Юз-жағ жарроҳлиги” илмий-амалий марказ**  
**директори, АТМ бошлиғи**

**Муддат – Бир ой**

2. Хусусий диагностик марказлар билан шартномалар тузилсин ва ўз хизматларимизни таклиф қилинсин.

**Масъул – “Юз-жағ жарроҳлиги” илмий-амалий марказ директори**

**Муддат – Бир ой**

3. Илмий иш билан шуғулланаётган илмий ходим ёки мустақил изланувчилар билан бирга ишлансин.

**Масъул – “Юз-жағ жарроҳлиги” илмий-амалий марказ директори**

**Муддат – Доимо**

4. Биомедицина ва амалиёт журналини 2020 йил 2-чоракдан Скопус тизимида киритиш устида ишлар олиб борилсин. Лабораториялар фаолияти ва илмий тадқиқотлар натижалари чоп этилсин.

**Масъул – Марказ лабораториялари, кафедралари**

**Муддат – Икки ой муддатда**

5. Мавжуд лабораториялар комплекслаштириш ва замонавий технологиялар билан таъминлаш бўйича миллий ва хорижий инвестициялар жорий этилсин.

**Масъул – “Юз-жағ жарроҳлиги” илмий-амалий марказ директори**

**Муддат – уч ой**

6. Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази фаолияти, такомиллаштириш йўллари мавзусида институт кенгашида қайта ахборот берилсин

**Масъул – “Юз-жағ жарроҳлиги” илмий-амалий марказ директори**

**Муддат – икки ой**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев зиммасига юклатилсин.

Институт кенгаш раиси,  
профессор



  
Ж.А.Ризаев